

ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ АҲОЛИ ОРАСИДА ОИЛА-НИКОХ МУНОСАБАТЛАРИДА ИЖТИМОЙ – МАЪНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАР

Бекчанова Нилуфар Ахмеджановна

Урганч давлат Университети

Тарих кафедраси мустақил изланувчиси

***Аннотация:** Ушбу мақолада Хоразм воҳасидаги оила ва никоҳ муносабатлари ҳамда уларнинг трансформация жараёнлари. Атрофлича таҳлил қилинган ва умумлаштирилган.*

***Калит сўзлар:** Оила, ота-онанинг ўрни, давлат ва жамият муносабат омиллари, тотувлик, фарзанд, никоҳ, тарихий, мерос.*

***Аннотация:** В данной статье семейно-брачные отношения в Хорезмской области и процессы их трансформации. Подробно анализируется и обобщается.*

***Ключевые слова:** семья, место (роль лучше) родителей, Узбекистан, государство и общество, факторы, согласие, ребенок, брак, историческое наследие.*

***Annotation:** In this article, family and marriage relations in the Khorezm region and their transformation processes. It is analyzed in detail and summarized.*

***Key words:** Family, place of parents, Uzbekiston, state and society, factors, agreement, child, marriage, historical heritage.*

1. Кириш

Шарқда оила азалдан инсоннинг муқаддас кўрғони сифатида қадрланган. Оила фарзандларни тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали бошланғич ижтимоий йўналишни берадиган жамоа ҳисобланади¹. Шунинг учун тарихда мустаҳкам оила тушунчаси инсон тафаккурининг диққат эътиборида бўлган ва унга эришишнинг турли йўллари изланган. Маълумки,

¹ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи... – Б. 7.

инсоннинг энг соф ва покиза тўйғулари, илк ҳаётий тушунча ҳамда тасаввурлари дастлаб оилада шаклланади¹. Боланинг феъл-атвори, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган яхшилик ҳамда эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ҳамда андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир².

2.Натижа ва Муҳокама

Оиладаги мулоқот маданиятида маълум бир ахлоқий тартибларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзига хос анъана ваурф-одатларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Оила, ўз ижтимоий мазмунига қараб, уч таркибий қисм бирлигидан ташкил топади. Улар оила асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр ва хотин муносабатлари ҳамда эр-хотин муносабатларининг оқибати сифатида фарзандлардан ташкил топади. Демак, фаровон оилага эришиш, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш тизими ҳам ана шу уч таркибий қисмлар мажмуидан иборат бўлиб, унинг мазмуни оила қурадиган ёшларга тушунтирилиши билан алоқадордир. Шу боис оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида ҳар бир даврда эъзозланиб, асраб-авайланганки, бу мамлакат тотувлиги ва фаровонлигига хизмат қилган. Воҳада қизларни никоҳ ва оилага, уй рўзгор ишларига тайёрлаш буви ва она томонидан амалга оширилган. Бу эса воҳада оила-никоҳ муносабатларидаги ўзига хос локал анъаналарни ҳозиргача сақланиб қолганлигини кўрсатади. Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, янги авлоднинг туғилиши оилага муайян яхлитлик, муайян ижтимоий гуруҳ, жамоа тусини беради, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тизими вужудга келади. Бинобарин, эр-хотин оиланинг дастлабки компоненти (қисми) бўлиб, ундан “она-бола”, “ота-бола” ва “ота-она” муносабатлари келиб чиқади³. Хоразмда ўғил болаларга дала ишлари, чорва, бозоручар ишларига ўргатиб бориш ота томонидан қилинган. Никоҳ – жамиятнинг асосий бўғини

¹ Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б. 26.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.... – Б. 52

³ Ўзбекистонда замонавий оила ривожланишининг долзарб масалалари// Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2019. – Б.15.

ҳисобланган оиланинг ахлоқий ҳуқуқий асоси бўлиб, эр билан хотин ўртасидаги муносабатни меъёрга солади ҳамда уларнинг жамият олдидаги маънавий масъулиятларини белгилайди. Ота ва онанинг яхши ибрат кўрсатиши болалар ёнида жанжал қилмаслик ҳисобланади¹. Ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш масаласининг педагогик аспекти доирасида худди ана шу гуруҳларнинг, яъни “эр-хотин”, “она-бола”, “ота-бола”, “ота-она” тизимларининг ўзаро мулоқот маданияти ва ўзаро муносабатларини миллий қадриятлар ҳамда умуминсоний қадриятлар негизида шакллантиришга алоҳида урғу берилади. Ўрганилган тадқиқот давомида воҳада яшовчи ахборотчилар оила деганда, фақатгина эр-хотин тушунилмасдан, балки улар билан яшовчи ота-она, акалар, укалар, сингиллар ва фарзандлар ҳам инобатга олинишини таъкидлашди. Чунки қадимдан ота ва она томон қариндошлар ҳам шу оиланинг таянчи, яхши ёки ёмон кунларида суянчиқ сифатида қараб келинган². Арастуниг фикрича, оила кишиларнинг биринчи мулоқот кўринишидир. У дастлабки ячейка бўлиб, ундан давлат ташкил топган. Юнон файласуфи бир неча оилаларнинг бирлашувини “қишлоқ” деб атаб, уни оиладан давлатга ўтадиган шакл деб ҳисоблаган. Оилавий бирлик мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборатдир. Одатда, оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади, шунинг учун оилада болалар туғилмаган бўлса ҳам никоҳ муносабатининг ўзи оилани ташкил этади. Ота-оналар ва фарзандлар жипслашган оила бирлигини ташкил этади. Улар ўртасидаги жуда яқин оилавий муносабатлар шаклланади ва бу шахслар оиланинг ўзагини ташкил этади. Масалан, Хива шаҳрида янги тушган келинлар умрининг охиригача, қайнота билан фарзанди туғилгач гаплашишади деган маълумотлар учрайди. Ўша вақтга қадар қайнотаси билан эри ёки шу оиланинг кичик фарзанди орқали гаплашишади. Урганч ва Хонқа туманида келинлар барча билан фарзандли бўлгач гаплашади. Воҳанинг Гурлан ва Янгибозорда эртаси кунийк ҳамма билан гаплашиб кетаверадилар. Бошқа туманларда бироз

¹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани. 2021 йил

² Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри. 2019 йил

муддат шивирлаб юради, кейин гаплашиб кетаверадилар. Бугунги кунда Ер куррасининг барча мамлакатларида кечаётган глобаллашув жараёни жаҳон халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитетни шаклланишига олиб келмоқда. Бунга сабаб сифатида жаҳон ахборот воситаларида Ғарб ахлоқий нормаларининг доимий тарғиботи ва “реклама”сини кўрсатиб ўтиш мумкин. Глобаллашув туфайли Ўзбекистон бир томондан иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамияти таркибига кириб бораётган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек халқига хос қадриятлар, маросим ва урф-одатлар секин-аста йўқолиб боришига ҳамда уларда ўзгаришларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Воҳа аҳолиси орасида оила никоҳ муносабатлари улар ўртасидаги жуда яқин оилавий муносабатлар асосида шаклланади. Тарихий маълумотларга кўра, “..барча замон ва маконларда патриархал оила ижтимоий муносабатларнинг, жамият ҳаётининг асоси бўлади, давлат эса ана шу каби оилаларнинг бирлашувидан пайдо бўлган”. “...Жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлаш учун аёллар, болалар бирлашмалари ва сармояларнинг умумийлигига эришиш жоиз. Воҳада олиб борилган дала тадқиқотларига кўра: оиланинг турларини қуйидагиларда кўриш мумкин: жумладан, ота- киз муносабатлари – бунда уйнинг эркаги ҳамма нарсани ўзи ҳал қилади, қарорни ўзи чиқаради, пулни ҳам ўзи топиб, ўзи сарфлайди. Аёлини деярли ишлатмайди; она ва ўғил – аёли ўз гарданига олади, лекин бундай оилалар воҳада камчиликни ташкил қилади; Иккита катта одам – маъсулият эр-хотининг баравар зиммасида бўлиб, бундай эр-хотин асосан қайнона ва қайнотадан алоҳида яшайди ҳамда биргаликда ишлаб пул топишади; Иккита кичик одам – эр-хотин ёш ҳисобланиб, қайнота қайнота билан яшашади ва оиладаги ҳамма нарсани ота- онаси ҳам қилади. Инсоният жамоасининг энг қадимий шакли бу – уруғ-қабилла босқичи бўлиб, унда уруғ бир аёл уруғидан таркаган, матриархатдан келиб чиқадиган (матриархат – уруғчилик тузумининг дастлабки шакли бўлиб қариндошлик она томонидан белгиланадиган босқич) кишиларни ўзида бирлаштиради.

3. Хулоса

Ушбу типдаги оилада гуруҳли никоҳ мавжуд бўлиб, болаларнинг отасини аниқлашнинг иложи бўлмаган, шунинг учун ҳам болаларнинг келиб чиқиши она томондан аниқланган. Ўша даврда уруғ моҳиятан матриархат оилалардан иборат бўлиб, онадан тарқалган барча авлодни бир-бирига чатиштириб, жамиятни бир бутун яхлит қиёфасини яратган. Гарчи, таҳлил қилинаётган ушбу даврда оила ва никоҳ муносабатлари мукамал даражада ривожланмаган ёки қайсидир меъёрлар асосида назорат қилинмаган бўлса-да, маълум маънода бугунги кўринишдаги оила ва оилавий муносабатларини шаклланиши учун асос бўлган, деб баҳолаш мумкин. Инсонларнинг жуфт бўлиб яшаш, бир-бирини ҳимоя қилиш, ёрдам бериш, қизганиш, меҳр кўрсатиш, наслни давом қилдириш каби кўплаб хусусият ва белгилари ҳам аввало оилада намоён бўлади. Кишилик жамияти ижтимоий ҳаётининг юксалиши оилавий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатиб, уларни ўзгариши, дунёқарашнинг мукамаллашиши ва уруғ тузумини янгиланишига олиб келган. Ушбу янги босқич кейинчалик патриархал уруғчилик деб номланди (уруғчилик тузуми шакли бўлиб, меҳнат қуроллари ва хўжалик юритиш шакллари такомиллашгани сайин жамоадаги етакчилик мавқеи аста-секин эркак кишига ўта бошлаган ва қариндошлик ота томонидан белгиланадиган босқич) ва уруғ асосини патриархал оилалар ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи... – Б. 7.
2. Олимат ул-Банот. Муошарат одоби. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – Б 26.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.... – Б. 52
4. Ўзбекистонда замонавий оила ривожланишининг долзарб масалалари// Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2019. – Б.15.
5. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани. 2021 йил
6. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри. 2019 йил